

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

4.2021

**научно-теоретический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

“ILM SARCHASHMALARI” ilmiy-nazariy, metodik jurnal

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

TAHRIR HAY’ATI:	
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom , fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom , biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos , iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek , tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O’tkir , tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana , pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima , falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek , tarix fanlari doktori, DO’SCHONOV Tangribergan , iqtisod fanlari doktori, professor, ERMETOVA Jamila , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HAJIYEVA Maqsuda , falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar , fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdiyor , fizika-matematika fanlari doktori, JO’RAYEV Mamatqul , filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud , texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otoboy , filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek , filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas’ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy , fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash , yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa’dulla , falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun , fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO’ZIMBOYEV Safarboy , filologiya fanlari doktori, professor, RO’ZIYEV Erkinboy , pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna , filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy , tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San’atbek , iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna , pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rnibosari), YOQUBOV Jamoliddin , filologiya fanlari doktori, professor, O’ROZBOYEV Abdulla , filologiya fanlari doktori, O’ROZBOYEV G‘ayrat , fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYPOV Dilshod , filologiya fanlari nomzodi, dotsent.
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
2021 4(166)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administrasiyasini huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyala agentligida 2020-yil 11-noyabrdan o‘tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

Изоҳи: “Юзинг узра ўсма қўйилган тиллақошлиқ икки қошинг гўё гулзор ичра жилва қилувчи икки товусдек эрур”. Байтда *вусма ўсма*, форс-тожикча *зарварақ* сўзи *тиллақош* лугавий маъноларида қўлланган. Маълумки, товус мумтоз адабиётда маъшуқанинг гўзаллиги ва қадам ташлаши рамзи (товус хиромон) сифатида талқин қилинган. “Лисон ут-тайр” асарида товус тимсоли зебу зийнатларга бино қўйган киши ёки ўзининг илмига, амалига кибр айлаш рамзи сифатида тасвириланади. Шеърий парчада *маъшуқанинг қоши* – ўхшаган, *товус* – ўхшатилган. Шоирнинг бошқа фазалларида ҳам маъшуқанинг хатти-ҳаракати товусга ташбих этилиши кузатилади. Бунга мисол сифатида қуйидаги байтни келтириб ўтамиз: *Мунфаилдур юзу зулфидинки тебрангай насим, Жилвагар товуским, фирмавси ризвон иҷрадур.*² Шоир поэтик асарларида ошиқ ҳолати, айниқса, унинг қалби қушга қиёсланиши кўп учрайди. Масалан,

*Сорғориб қолдим ҳаводис коғизига ҳижсрда қуни,
Бир сориг қушидекки, қундуз қолгай ул қушлар аро.*³

Ушбу байтда маъшуқа билан боғлиқ воқеалар изтробидан сарик күш каби сарғайиб қолган ошиқ ҳолати тасвириланган. Шеърий парчадаги ўхшатишни унинг унсурлари бўйича таҳлил этадиган бўлсак, ошиқ сўзи ўхшаган, *сариг қүш* сўзи ўхшатилган, -дек ўхшатиш қайдидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий ижодида ўхшатишлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар умуминсоний эзгу foяларни ёйишга йўналтирилган. Аниқландикни, шоирнинг шеърий асарларида ҳайвон ва қушлар номи билан боғлиқ ўхшатишлар катта микдорни ташкил этиб, улар алоҳида тизим сифатида шаклланган. Шоир улардан фикрини аниқроқ, таъсирчанроқ, образли ва мантикли ифодалаш мақсадида кенг фойдаланган. Адид ўзбек тилининг гўзаллиги, жозибаси, бойлиги ва ифода имкониятлари чексизлигини ўхшатишлар мисолида аниқ далиллаган. Унинг она тилининг нуфузи ва мавқенини ошириш йўлида орзулаган асосий мақсади, бу борада амалга ошириган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ишлари, ёзган илмий-бадиий асарлари Истиқлол йилларида она тилимизнинг том маънода давлат тилига айланишида, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўзбек тилининг мавқеи ва нуфузини оширишда, халқимизнинг бадиий-эстетик дидини такомиллашишида асосий манбалардан бири бўлиб турибди, шубҳасиз, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

**Каримова Диляфрўз Ҳалимовна (БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси мудири)
АКА-УКА ГРИММЛАРНИНГ “БИР ХУМЧА ШАВЛА” ЭРТАГИНИНГ ТАРЖИМА
ВАРИАНТЛАРИ ҚИЁСИ**

Аннотация. Ака-ука Гриммлар немис ҳалқининг энг севимли эртакчи-ёзувчилари. Бироқ уларнинг номи нафақат немис ўқувчиларига, балки жаҳондаги барча ҳалқларга танишидир. Чунки уларнинг эртаклари жуда кўп тилларга таржима қилинган. Мазкур мақолада ака-ука Гриммларнинг “Бир хумча шавла” эртагининг ўзбек тилига таржима вариантлари ҳақида сўз боради.

Аннотация. Братья Grimm-любимые сказочники немецкого народа. Однако их имя знакомо не только немецким читателям, но и всем народам мира, потому что их сказки переведены на множество языков. В данной статье рассматривается узбекский перевод сказки братьев Grimm “Горшочек каши”.

Annotation. The Brothers Grimm are the favourite storytellers of German people. However, their name is familiar not only to German readers, but to all peoples of the world. Because their tales have been translated into many languages. This article deals with the Uzbek translation of the Brothers Grimm's fairy tale “Sweet Porridge”.

Калим сўзлар: сюжет, фольклор, мотив, давр графикаси, эртак бадиияти, менталитет, вариант таржима, микроматн.

Ключевые слова: сюжет, фольклор, мотив, старинная графика, сказочное искусство, менталитет, вариантный перевод, микротекст.

Key words: plot, folklore, motif, period graphics, fairy tale art, mentality, variant translation, microtext.

¹ Навоий. Фавойид ул-кибар. 40-бет.

² Навоий. Ғаройиб ус-сигар. 146-бет.

³ Навоий. Наводир ун-ниҳоя. 64-бет.

Дунёдаги барча халқлар каби немис халқи ҳам ўз эртаклар дунёсига ва хазинасига эга. Ўзига хослик эртак сюжети, воқеаларнинг ривожланиши ва ечими, эртакларнинг бошланиши ва нихояси, қаҳрамонлар номи ва воқеалар ўзбек халқ эртагига ўхшаб кетади. Бироқ бу ўхшашлик эртаклари мизнинг бетакорлигини, миллий ўзига хос услугу ранг-баранглигини инкор этмайди. Немис халқ эртаклари деганда, албатта, кўпчилик ўзбек китобхонлари ака-ука Гриммлар тўплаган эртакларни кўз олдига келтириши, табиий, чунки бошқа адид ва олимлар ёзиб олган, тўплаган ҳамда нашр этириган юзлаб эртак, афсоналар ўзбек тилига ўтирилмаганлиги сабабли халқимизга маълум эмас эди.

Умуман, немис халқ эртакларини ўзбекчалаштириш асримизнинг 40-йилларида бошланиб, асосан, ака-ука Гриммлар эртакларини ўтириш билан чекланган. Бу хайрли ишни 1938 йил ака-ука Гриммлар тўпламидан “Ботир тикувчи” эртагини рус тили орқали ўтирган Фарид Расулов бошлаб берган ва бу таржима лотин алифбосида босилган. Орадан бир йил ўтгач, 1939 йилда Адҳам Раҳмат таржимасида саккизта немисча эртакдан иборат тўплам ўзбек болаларига тортиқ қилинган. Ушбу тўпламдан барчага машҳур “Бремен музикачилари”, “Бир хурмача шавла”, “Қуён билан типратикан” каби эртаклар жой олган. 1940 йилда эса ўзбек болалар нашриётида ака-ука Гриммларнинг “Олтин гоз” эртаги Ваҳоб Рӯзиматов таржимасида чоп этилди. Кейинги йилларда (1954, 1963, 1978) ака-ука Гриммлар тўпламидан ўнлаб эртаклар таржима қилиниб, ўзбек болаларининг эртаклар дунёсини бойитди. Шуни айтиш керакки, ака-ука Гриммлар тўпламида жамланган 210 эртакдан шу пайтгacha 30 тача эртак ўзбекчалаштирилиб, бу таржималар русча таржима матнидан амалга оширилган.¹ Айрим эртаклар, жумладан, “Бремен музикачилари”, “Ботир тикувчи”, “Бўрон кампир”, “Қуён билан типратикан”, “Етти ботир” каби эртакларнинг уч-тўрт таржима муқобиллари мавжуд. Ака-ука Гриммларнинг “Бир хумча шавла” эртаги ўзбек тилига турли йилларда бир неча бор таржима қилинган. Улар кўпроқ рус тили воситасида ўзбек тилига ўтирилган. Бу таржималар қўйидагилардир:

1. Ўзбек болалар шоири Адҳам Раҳмат томонидан 1938 йилда амалга оширилган воситали таржима. У ўша йилларда амалда бўлган лотин ёзувида, ўзбек тилида чоп этилган.²

2. Орадан 40 йил ўтиб, бу эртак мутаржим мутахассис Сурайё Тўрахонова томонидан ўзбек тилига ўтирилган ва кирилл ёзувида 1978 йилда чоп қилинган.³

3. Ушбу эртак 2008 йилда интернет сайти орқали ҳам эълон қилинган, аммо унинг таржимони аниқ кўрсатилмаган.

Эртакнинг шу учала таржима нусхасини қиёсий ўрганиш натижасида қўйидаги фарқли белгилари борлиги аниқланди:

Биринчидан, Адҳам Раҳмат ўзи шоир бўлганлиги учун эртак бадииятини сақлашга катта эътибор билан ёндашган. Масалан, унда шавланинг оқиши дарё окишига ўхшатилган бўлса, С.Тўрахонова таржимасида ариққа ўхшатилган. Учинчи таржимада эса бундай ифоданинг ўзи мавжуд эмас.

Иккинчидан, Адҳам Раҳмат сўзларни аниқ қўллашга ҳаракат қилган. Масалан, у эртак қаҳрамони – қизчанинг ўрмонга айнан маймунжон тергани кетганини айтса, бошқа таржималарда унинг ўрнида умумий маъно англатувчи “мева” сўзи қўлланган. Бу ҳолат кампирнинг қизчадан маймунжон сўраши мотивида ҳам сақланган.

Учинчидан, Адҳам Раҳмат эртакни эски лотин ёзувида қайта баён этгани учун унда унли ва ундош товушлар ўша давр графикаси қонунларига мувофиқ берилган:

а) унлилар графикасида: ў – о (кўп-kor, тўлди-toldi), о – а (bor-bar, бирон-biran) товушлари ўзгарган ҳолда талаффузда ифода этилган. Рус тили таъсирида ўзбек тилига ўзлашган я, ё, ю, ё қаби ёлашган товушлар битта ж товушини қўшиш орқали ёзилган. Масалан: я-я (кифоя-kifaja), е-је (етгунича-jetgunica), ю-ju (югурди-jugurdi), ё-ja (қаёққа-qajaqqa) каби;

б) ундошлар графикасида: f-к (savqab оғир-aqir), й-ж (тўхтайди-toxtajdi, қўйиб-коjib, йўл-jol), ч-с (уч-us, кўча-kosa), г-к (қолган – қалкан) билан алмашган ҳолати кузатилади.

Тўртинчидан, талаффузда қисқа унилиларнинг тушиб қолиш ҳолати кўзга ташланади: ширин-шрин, шикоятланмади-шкоятланмади.

¹ Етти оккуш. Олмон халқ эртаклари. Хуррам Раҳимов ва Шарифа Салимова таржималари. Т., “Чўлпон”, 1991, 297–298-бетлар.

² Ака-ука Гримм эртаклари. Адҳам Раҳмат таржималари. ЎзССР Давлат нашриёти, 1938, 36–38-бетлар.

³ Ака-ука Гримм эртаклари. Русчадан Сурайё Тўрахонова таржимаси. “Ёш гвардия”, 1978, 447-бет.

Бешинчидан, эртак номи илк варианта “Бир хурмача шавла”, икки варианта эса “Бир хумча шавла” деб кўрсатилган. Шунингдек, шавла ва шовла сўзлари ҳам икки хил ёзилган. Агар “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га қаралса, унда “шовла” сўзи эмас, шавла сўзи берилган. “Шавла” форсча сўз бўлиб, ўзбек тилида ўзлашган сўзлар қаторида туради. Шавла гуручдан тайёрланган юмшоқ ош ёки гўшт, сабзи-пиёз ва гуруч солиб пишириладиган бўтқасимон овқат турини англатади.¹

Хурмача, одатда, қатиқ ивitiш, сут солиб кўйиш учун ишлатиладиган кўшкулоқ сопол идишни билдирувчи хурма сўзига отларга қўшиладиган -ча кичрайтириш шакли қўшимчасини қўшишдан ҳосил қилинган. Хурма+ча=хурмача сўзи кичик хурма маъносини англатади.

Хумча сўзи ҳам шу тарзда ҳосил қилинган. У форс-тоҷикча катта кўза маъносини билдирувчи хум+ча=хумча сўзига алоқадор. Хум бирор суюқлик, дон ва шу кабиларни сақлаш учун турли катталиқда ясаладиган, оғзи торроқ сопол идиш бўлса, хум унча катта бўлмаган, кичик хум хисобланади.²

Демак, ушбу изоҳлар асосида хумча ва хурмачанинг тузилишида, ясалиш усулида, кўринишида бироз фарқ бор.

Олтинчидан, эртакда хумча шавла қайнатиши учун шарт сифатида айтиладиган шеърий парча берилишида фарқ бор:

А.Раҳмат таржимасида:

Бир, икки, уч

— *Хурмачада шавла пиши*.

Бошқа иккала таржимасида:

Мен учгача санасам,

Қайна, сеҳрли хумчам!

Фақатгина кейинги иккала таржиманинг биринчисида шеърий сатрлар ниҳояси нуқта билан, иккинчисида ундов белгиси билан берилган. Бу эса уларнинг айтилиш оҳангига фарқ борлигини илғашга хизмат қиласди.

Мавжуд таржималар сўз ва қўшимчаларнинг кўлланиши нуқтаи назаридан ҳам анча фарқ киласди:

А.Раҳмат: <i>Онаси бу хурмачага жуда суюнди.</i>	С.Тўрахонова: <i>Она бу хумчани кўриб қувониби.</i>	Номаълум таржимон: <i>Она бу хумчани кўриб қувониби.</i>
--------------------------------------------------	-----------------------------------------------------	----------------------------------------------------------

Еттингчидан, учала таржимоннинг гап тузилишини танлашида ўзгачаликлар бор, яъни қайсинасиидир содда ёки мураккаблашган содда гаплардан, қайсинасиидир қўшма, мураккаб қўшма гаплардан фойдаланиши натижасида микроматнлар ҳажми турлича бўлиб қолган:

Уй ҳам шавлага тўлди. Уй олдида ҳам шавла, томда ҳам шавла, ҳатто кўчалар ҳам шавлага тўлди, у ҳамон тўхтамай шавлани пишираверди.	Хонанинг ҳаммаёғи шавлага тўлиб кетиби, даҳлиз ҳам шавла, пешайвон ҳам шавла. Хумча эса ҳамон пишираётганимиш.	Хонанинг ҳамма ёғи шавлага тўлиб кетиби: даҳлиз ҳам шавла, пешайвон ҳам шавла. Хумча ҳамон пишираётганимиш. Томларга ҳам, ҳовлиларга ҳам шавла тошиб чиқиби. Ҳатто кўчалардан ҳам шавла оқаётганимиш.
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Эртакнинг таржима вариантилари ўртасидаги фарқларни қўйидаги жадвал асосида яна-да ёркин кузатиш мумкин:

Эртакнинг “Бир хурмача шавла” номи билан Адҳам Раҳмат таржимаси (1938)	Эртакнинг “Бир хумча шавла” номи билан Сурайё Тўрахонова таржимаси (1978)	Эртакнинг “Бир хумча шавла” номи билан Таржимони кўрсатилмаган (2008)
Бошланиши: “ Бор экан, йўқ экан, бир қизча яшар экан ”.	Бошланиши: “ Бир бор экан, бир йўқ экан, бир қизча бўлган экан ”.	Бошланиши: “ Бир бор экан, бир йўқ экан, бир қизча бўлган экан ”.
“ Кизча бир куни ўрмонга май-	“ Кизча мева тергани ўрмонга	“ Кизча ўрмонга мева тергани

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик, 4-жилд, Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2007, 565-бет.

² Шу манба. 446-бет.

мунжон олиб келиш учун борди ва унда бир кампирни учратди.	борибди-ю, у ерда бир кампирни учратиб қолибди.	борибди-ю, у ерда бир кампирни учратиб қолибди.
– Салом, – дебди кампир қизчага, – менга раҳм этиб маймунжонингдан берсанг-чи!	– Салом, қизча, – дебди унга кампир. – Менга меваларингдан бер, айланай.	– Салом, қизча, – дебди унга кампир. – Менга меваларингдан бер, айланай.
– Ма, кампир, – дебди, қизча.	– Олинг, бувижон, – дебди, қизча.	– Олинг, моможон, – дебди, қизча.
Кампир маймунжонни еб бўлиб:	Кампир мевалардан бироз ебди-да:	Кампир мевалардан бироз ебди-да:
– Сен менга маймунжон бердинг, ман ҳам сенга бирон нарса совға қиласман, – дебди.	– Менга мева бердинг, энди сенга мен ҳам бир нарса совға қиласман, – дебди.	– Менга мева бердинг, энди сенга ҳам бир нарса совға қиласман, – дебди.
– Мана сенга хурмача, сен фақат шуни айтишинг керак: Бир, икки, уч – Хурмачада шавла пиш.	– Мана сенга хумча. Фақат: Мен учгача санасам, Қайна, сехрли хумчам, – десанг бўлди.	– Мана сенга хумча. Фақат: Мен учгача санасам, Қайна, сехрли хумчам! – десанг бўлди.
Шунда у ширин, мазали шавла пишира бошлайди!	У мазали шавла пишира бошлайди.	У мазали шавла пишира бошлайди.
Ундан сўнг айтасанки: Бир, икки, уч Пиширишдан кеч. Шундан сўнг хурмача шавла пиширишдан тўхтайди.	Унга: – Мен учгача санасам, Қайнашдан, тўхта хумчам. – десанг, у пиширишдан тўхтайди.	Унга: – Мен учгача санасам, Қайнашдан, тўхта хумчам! – десанг, у пиширишдан тўхтайди.
– Раҳмат буви, – деди қизча ва хурмачани олиб, уйига онасининг олдига кетди.	– Раҳмат, бувижон, – дебди қизча ва хумчани олиб, уйига, онасининг олдига кетибди.	– Раҳмат, моможон, – дебди қизча ва хумчани олиб, уйига, онасининг олдига кетибди.
Онаси бу хурмачага жуда суюнди.	Она бу хумчани кўриб қувонибди.	Она бу хумчани кўриб қувонибди.
Миннатсиз, оворасиз ҳамма вақт ширин ва мазали шавла бўлса-ю, тағин қандай суюнмасин?	Дастурхонда доимо бемашакқат, беташвиш хушхўр, мазали шавла тайёр туради-ю, қувонмай бўларканми?	Дастурхонда доимо бемашакқат, беташвиш хушхўр, мазали шавла тайёр туради-ю, қувонмай бўларканми?
Бир вақт қиз қаёққадир уйдан кетди. Онаси бўлса хурмачани ўз олдига кўйиб: Бир, икки, уч Хурмачада шавла пиш, деди.	Бир куни қизча қаёққадир кетган экан, она хумчани олдига кўйиб: – Мен учгача санасам, Қайна, сехрли хумчам, – дебди.	Бир куни қизча қаёққадир кетган экан, она хумчани олдига кўйиб: – Мен учгача санасам, Қайна, сехрли хумчам! – дебди.
У шовла пиширабошлиди.	Хумча пишира кетибди.	Хумча пишира кетибди.
Жуда кўп шавла пишириди.	Кўп шовла пишириб юборибди.	Кўп шовла пишириб юборибди.
Онаси еди, жуда қорни тўйди.	Она еб қорни тўйиб қолибди.	Она еб қорни тўйиб қолибди.
Аммо хурмача шавлани пишираверди.	Хумча бўлса ҳадеб пишираётган эмиш.	Хумча бўлса ҳадеб пишираётган эмиш.
Уни қандай қилиб тўхтатиб бўлади?	Қандай қилса тўхтаркин?	Қандай қилса тўхтаркин?
Бир, икки, уч Пиширишдан кеч, дейиш керак эди. Лекин онаси бу сўзни эсидан чиқариб кўйган эди, қизча эса уйда йўқ эди.	“Мен учгача санасам, Қайнашдан, тўхта хумчам”, дейиш керак экан-у, она бу сўзларни унутиб кўйган экан.	“Мен учгача санасам, Қайнашдан, тўхта хумчам!” дейиш керак экан-у, она бу сўзларни унутиб кўйган экан.
Хурмача ҳамон шавла пиши-	Хумча ҳадеб пишираверибди.	Хумча ҳадеб пишираверибди.

раверди.		
Уй ҳам шавлага тўлди. Уй олдида ҳам шавла, томда ҳам шавла, ҳатто кўчалар ҳам шавлага тўлди, у ҳамон тўхтамай шавлани пишираверди.	Хонанинг ҳаммаёғи шавлага тўлиб кетибди, даҳлиз ҳам шавла, пешайвон ҳам шавла. Хумча эса ҳамон пишираётганмиш.	Хонанинг ҳамма ёғи шавлага тўлиб кетибди: даҳлиз ҳам шавла, пешайвон ҳам шавла. Хумча ҳамон пишираётганмиш. Томларга ҳам, ҳовлиларга ҳам шавла тошиб чиқибди. Ҳатто кўчалардан ҳам шавла оқаётганмиш.
Онаси жуда қўрқди, қизчасига югорди. Лекин йўлда иссиқ шавла дарё бўлиб оқишидан ўтиш унинг учун жуда оғир эди.	Она қўрқиб кетибди, қизчани чакиргани югурибди, фақат йўлдан ўтишининг сира иложи бўлмабди–иссиқ шавла ариқ бўлиб оқиб ётган эмиш.	Она қўрқиб кетибди.
Яхши қизчаси уйдан узоқда эмас эди.	Хайриятки, қизча уйдан унча узоқда эмас экан.	Хайрият, қизча уйдан унча узоқда эмас экан.
Қизча кўчадаги воқеадан хабардор бўлиб, дарров уйга югорди.	Кўчада нималар бўлаётганини кўриб қолибди-ю, ғизиллаганча уйига чопибди.	Кўчада нималар бўлаётганини кўриб қолибди-ю, ғизиллаганча уйга чопибди.
Жуда зўр қийинчилик билан келиб эшикнинг ҳалқасидан ушлаб очди ва Бир, икки, уч Пиширишдан кеч, деб қичқириди.	Бир амаллаб пешайвонга чиқибди-да, эшикни очиб, қичқирибди: – Мен учгача санасам, Қайнашдан, тўхта хумчам.	Бир амаллаб пешайвонга чиқибди-да, эшикни очиб қичқирибди: – Мен учгача санасам, Қайнашдан, тўхта хумчам!
Шунда хурмача шавла пиширишдан тўхтади.	Хумча пиширишдан тўхтабди.	Хумча пиширишдан тўхтабди.
Аммо хурмача шавлани шундай кўп пиширдики, кимнинг қишлоқдан шаҳарга боришига тўғри келган бўлса, унга бу шавла шаҳарга етгунича кифоя қиласи эди.	Шовлани эса хумча шунча кўп пишириб юборган эканки, ким шаҳарга бормоқчи бўлса, шавла еб, ўзига йўл очиши керак экан.	Шавлани эса хумча шунчалик кўп пишириб юборган эканки, ким шаҳарга бормоқчи бўлса, шавла еб, ўзига йўл очиши керак экан.
Ҳеч ким бундан шикоятланмади.	Фақат ҳеч ким бундан шикоят қилмабди.	Фақат ҳеч ким бундан шикоят қилмабди.
Чунки шавла жуда ширин ва мазали эди.	Шавла хушхўр ва мазали экан-да.	Шавла хушхўр ва мазали эканда.

Кўриняптики, иккинчи ва учинчи таржимада эртак бошланмаси бир хил келтирилган. Уларда вақт ноаникликни билдирувчи “бир” сўзи воситасида аниқ ифодаланмаган.

Биринчи таржимада саломлашиш ҳолати ундалмасиз келтирилган ва саломнинг кимга қаратилгани кесим орқали ифода қилинган. Унда -чи сўроқ-таажжуб юкламаси буйруқ, илтимос маъносида кўлланган. У ўша давр грамматикасига кўра сўзга хозиргидай чизиқча билан қўшилмасдан, тўппа-тўғри қўшилиб ёзилаверган.

Биринчи таржимада қизчанинг ёши катта инсонга “Ма, кампир” деб мурожаат қилиши, мен-талитетимизга зид ҳисобланади. Аммо кейинги таржималарда ҳолат бошқача. Қизча кампирга бувижон, моможон ундалмаси орқали мурожаат қилган. Буви ва момо сўзлари адабий тил ва шева нуқтаи назаридан, ўзаро синоним бўлгани учун уларни маънодошлиқда кўллаш хатолик саналмайди.

А.Рахмат таржимасида “Кампир маймунжонни еб бўлиб” жумласи келтирилар экан, унинг маймунжонларни тўлиқ еб битиргани англатилган. Кейинги таржималарда эса “Кампир мевалардан бироз ебди-да”, деганда, унинг мевалардан қисман ва кам егани тушунилади.

А.Раҳмат таржимасида кўмакчи феълли феъл қўшилмалари қўшиб ёзилган: “Шунда у ширин, мазали шавла **пиша бошлайди!**” Яна унинг таржимасида “ва” боғловчисидан сўнг вергул ноўрин ишлатилган: “Раҳмат буви, – деди қизча, ва хурмачани олиб уйига онасининг олдига кетди. Ёки яна: “У шавла **пиширайбошлади**”.

Хуллас, олмон эртакчилари сифатида ном қозонган ака-ука Гrimmlarning жуда кўп эртакчилари ўзбек тилига бир марта эмас, бир неча мартараб гоҳ шоир ва ёзувчилар, гоҳ профессионал мутаржиму олимлар томонидан турли йилларда таржима қилинганки, бу таржималар бири иккинчисини инкор қилмаган ҳолда яшаб келмоқда. Бундай таржима нусхаларининг бири иккинчисини инкор қилмаган ҳолда ёнма-ён яшаб келаётгани эса уларни “вариант таржималар” деб кўрсатишга имкон бера олади.

**Юнусова Дурдана (Самарқанд ВХТҲҚТМОНМ
Тилларни ўқитиши методикаси кафедраси ўқитувчи)**
**ШАВКАТ РАҲМОН ИЖОДИДА ОТ СЎЗ ТУРКУМИГА ХОС МЕТАФОРАЛАРНИНГ
ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

Аннотация. Мақолада Шавкат Раҳмон шеъриятининг грамматик жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам ўзига хослиги, шоир ижодида метафоралардан самарали фойдаланиши йўллари, ҳатто янги яратилган метафоралар таҳтил қилинган. Айниқса, от сўз туркумидан метафора ҳосил қилиши йўллари мисоллар асосида далилланган.

Аннотация. В статье проанализированы особенности грамматики, содержания поэзии Шавката Раҳмона, способы рационального применения метафор в творчестве поэта, также приводится анализ образованных новых метафор. Изложенные в статье мнения обоснованы на примерах способов образования метафор от имён существительных.

Annotation. The article analyzes the grammatical and semantic specificity of Shavkat Rakhmon's poetry, ways of effective use of metaphors in the poet's work, and even newly created metaphors. In particular, ways of constructing a metaphor from a noun have been proven on the basis of examples.

Калим сўзлар: метафора, нутқ, от сўз туркуми, кўп маъноли сўз, контекст, лексема, синоним.

Ключевые слова: метафора, речь, существительное, многозначное слово, контекст, лексема, синоним.

Key words: metaphor, speech, noun, polysemous word, context, lexeme, synonym.

Метафора – инсон образли тафаккурининг ҳосиласи. Бугунга қадар мазкур ҳодиса тилшунослик ва адабиётшунослик нуктаи назаридан кўп ўргатилган. Тадқиқотчилар, олимлар, шоирлар орасида метафорасиз бадиий асар бўлмайди, деган фикр хукмрон. Антик даврлардан нутқнинг таъсири-тасвирий воситаси ва жозибаси деб қараб келинган мазкур ҳодиса ҳакида билдирилган жами фикрлар орасида метафорага билиш жараёнининг ўзига хос аспекти, усули, фикрлаш механизми сифатидаги ёндашувлар маълум маънода ўзининг исботини топган.

Мумтоз риторика метафорани меъёрдан четлашиш – предмет номининг бошқа предметга кўчиши тарзида изоҳлайди. Метафора табиатини текширган Аристотель уни: “Сўз маъносининг жинсдан турга, турдан жинсга ёхуд турдан турга ёки муқобиллик асосида кўчирилишидир”, деб таърифлайди.¹ Мазкур тўрт турдаги метафора орасида олим муқобиллик асосида юзага келган метафораларни эътиборли деб топади. Муқобиллик – пропорциянинг ўзи: бунда иккинчи сўз биринчисига, худди шундай, учинчи ва тўртинчисига ҳам бирдай тааллукли бўлаверади. Хусусан, у Умрнинг кексалик даври кундузнинг шом палласига тенгдир жумласидаги умр сўзини учинчи сўз (бунда кексалик даври сўз бирикмаси бўлиб келган) – кундуз билан алмаштириш мумкин (ушбу холатда: кундузнинг кексалик даври (шом палласи) ҳамда умрнинг шом палласи (кексалик) сингари метафоралар ясалади), дейди.²

Аристотель метафорага нисбатан ихчам, соддалаштирилган ўхшатиш деб қарайди ҳамда бу кўчимларни қўллашда маҳоратли бўлиш лозим, яъни “яхши метафораларни ясаш – (предметлара-

¹ Аристотель. Поэтика. Л., 1927, с. 39.

² Протопопова И. Философская аллегория, поэтическая метафора, мантика: сходства и различия. Доклад, прочитанный в ИВГИ РГГУ, март, 2001.

MUNDARIJA

MATEMATIKA

Matyoqubov Hikmatjon Shuhratovich, Ollayarova Oydin Husain qizi. Galliy arsenidi asosida olingan qu-yosh elementlarida himoya qoplamlaridan foydalanish imkoniyatlari.....	3
Баратов Файзулло Шукурович. Кватернионлар алгебрасини методик тақомилаштириш.....	5
Эшниёзов Абдумалик Искандар ўғли. Бесконечномерные бистохастические квадратичные операторы.....	7

FALSAFA

Абдурахмонов Ҳасан. Жамият ҳаётида инновацион тафаккурни шакллантиришнинг ижтимоий-маданий омиллари.....	18
Мардонов Равшан Субханович. Farbda таълим фалсафасининг янги билим соҳаси сифатида шаклланиши.....	20
Худайберганов Равшонбек Худайберган ўғли. Тил ва коммуникация ижтимоий онгни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида.....	27
Жамолов Давронбек. Миллий маданият: таркибий таҳдил.....	31
Қамбаров Абдумутал Ахаджонович. Қадриятлар тадқиқининг концептуал асослари ва ривожланиш босқичлари.....	35

TILSHUNOSLIK

Отабоева Мазмұна Рахимовна. Сүз туркмларида градуонимия ҳодисаси.....	41
Жумаев Турсунали. Ўзбек тилида тақлидлардан юзага келган сўзларнинг тарихий-этимологик талкини ҳакида.....	44
Azimova Iroda Alisherovna. O'zbek tilidagi agrammatik afaziyada fe'llarning tushunilishi.....	47
Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич. Немис, рус, ўзбек тиллари изоҳли лугатларида дипломатик терминларнинг тақдимот қилиниш масалалари.....	50
Рўзиев Яраш Бозорович. Немис тили замон шаклларининг публицистик матнларда прагматик мақсадда қўлланиши.....	54
Юсупова Хилола Сайдулла қизи. Особенности образования существительных при помощи аффиксов в современном китайском языке.....	56
Алимов Тохир Егамшуқурович. Роль языка в выражении и передаче мысли.....	66
Байжанова Окила. Дипломатическая терминология и её особенности в разносистемных языках...	69

ADABIYOTSHUNOSLIK

Ҳамдамов Улугбек. Аскад Мухтор шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари.....	73
Ўтанова Сирдарёхон. Искандар – адолат ва донишмандлик тимсоли.....	75
Абдуллаева Саломат Равшановна. Комил Аваз шеърларида ишқ ва маънавият масалалари.....	80
Жумаева Нилуфар. Уильям Фолкнер ижодида “онг оқими”.....	83
Умарова Махлиё. Вальтер Скоттнинг “Айвенго” асарида тарихийлик принципи.....	86
Сабирова Насиба Эргашевна. Бахшичилик санъатининг сўнгги тараққиёти.....	89

PEDAGOGIKA

Исматова Шахноза Мирахматовна. Талабаларнинг ўқув ютуқларини баҳолашда балл-рейтинг тизими кредит-модуль тизимининг таркибий қисми сифатида.....	93
Жуманазаров Умид Умрзоқович. “Таълимни рақамлаштириш” мобиъ ва ахборот технологияларидан фойдаланишининг истиқболлари.....	96
Abdullayeva Lola Toxirovna. Chet tillarni o'qitishda filologiya yo'nalishi talabalarining sotsiolingvistik kompetensiyasini takomillashtirish.....	99
Turdiyeva Mohira Jo'raqulovna. Fanlararo integratsiya va interfaol metodlarning psixik jarayonlarga ta'siri.....	102
Хайдаров Комил Донабаевич. Шахс маънавий камолотида узлуксиз таълимнинг ўрни.....	106
Jalilova Guzal G'ulomovna. “Aralash” ta'lif shaklida ‘Flipped Classroom’ modulining ahamiyati.....	110

Хакимова Шахноза Асрәнбек қизи. Инглиз тили нутқига ўргатиш бўйича айрим методик тавсиялар.....	113
Xaitbayeva Nazokat Adilbek qizi. Boshlang‘ich ta’limda yozma nutqni takomillashtirishning psixolingvisistik asoslari.....	116
Салохитдинова Наврўза Муродулла қизи. Бошлангич таълим фанлари интеграциясида тушунчанинг ҳажми ва мазмунини шакллантириш асослари.....	119
Тожиев Жавлон Каримбоевич. Технологик таълим йўналиши талабаларининг бадий лойиҳалаш қобилияtlарини ривожлантериш.....	123
Baymetov Botir Boltabayevich. Tasviriy san’atdan malakali pedagog kadrlar tayyorlashda inson plastik tuzilishini o‘rganishning metodik asoslari.....	126
Хасанова Вазира Хамиджановна. Инновационные образовательные технологии на уроках русского языка в неязыковых вузах.....	130
Собирова Дилдора. Письменный перевод как средство обучения иностранному языку в средней общеобразовательной школе.....	133
Musurmanova Shakhnoza Kuchkarovna. General Features of Translation of Military Texts.....	136

ILMIY AXBOROT

Хайдаров Боходир Бахтиёрович. Фуқаролик жамияти таркибида хуқукий онг ва хуқукий маданияти шакллантиришнинг долзарб масалалари.....	140
Гавҳарой Истроижон қизи. Ўзбекистонда бизнес туризм тарихи ва саёҳат таассороти ва манзилгоҳ тасвирининг шаклланишига доир.....	142
Сапаева Райхон. Ўзбек тилида зооним таркибли фраземалар хусусиятлари.....	146
Beginov Odil To‘xtamishovich. Janubiy O‘zbekiston oronimlari tarkibida saqlanib qolgan orografik xarakterdagi eroniy arxaik elementlar.....	150
Зиядуллаев Илҳом. Немис тилида феъл-неологизмлар морфологик ассимиляцияси.....	153
Казаков Илҳом Розмаматович. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида -лик, -лық// -лик қўшимчаларининг функционал имкониятлари.....	156
Абдувалиева Диленза Акрамовна. Алишер Навоийнинг полисемантик сўзлардан фойдаланиш маҳорати.....	159
Сайдова Гулруҳ Ёкубовна. Навоий бадий асарларида ҳайвон ва қуш номлари билан ҳосил бўлган ўхшатишларнинг семантик хусусияти.....	162
Каримова Дилафрўз Ҳалимовна. Ака-ука Гриммларнинг “Бир хумча шавла” эртагининг таржима варианatlари киёси.....	166
Юнусова Дурдана. Шавкат Раҳмон ижодида от сўз туркумига хос метафораларнинг қўлланилиши.....	171
Курбанова Саида. Мирпўлат Мирзо бадий публицистикасига бир назар.....	174
Арустамян Яна Юрьевна. Роль контекста в художественном переводе.....	178
Рузметова Новваль Вахабджановна. Содержание, структура и сущность понятия «социокультурная компетенция».....	183
Kasimova Mehrixon Mutualxoja qizi. Use of Innovative Technologies in Teaching Foreign Languages...186	
Toshpulatov Dilshodjon Abdurafiqovich. Pedagogical Competence in Teaching Commercial Terminology Quality Development.....	189
Sanoyeva Gulbar Rizoqulovna. The Importance of Studying the Regional Dictionaries of English Language.....	192
Alimova Kamola Tursunovna. Professional Skills of a Guide-translator.....	194

“ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-nazariy, metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**
Musahhihlar: **Tamara Turumova,**
Aybek Kalandarov
Ushbu songa mas’ul **Jamila Ermetova**

Terishga berildi: 20.04.2021
Bosishga ruxsat etildi: 30.04.2021.
Ofset qog‘ozzi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturasi.
Adadi 150. Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma №. 14
Hisob-nashriyot tabag‘i 25
Shartli bosma tabag‘i 23
UrDU matbaa bo‘limida chop etildi.

UrDU matbaa bo‘limi matbaa faoliyatini boshlagani
haqida vakolatli davlat organini xabardor qilish to‘g‘risidagi
Tasdiqnoma (№3802-835f-ad22-c709-fbd1-1129-1986) asosida faoliyat yuritadi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.
Telefon/faks: (0362)-224-66-01;
e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz
ilmsarchashmalari@mail.ru
Veb-sayt: www.ilmsarchashmalari.uz
Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>